

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари



12:00 / 12.08.2019 4185

(биринчи мақола)

Пайғамбарлар келиши бир муддат тўхтаб қолгач, Ийсо алайҳиссалом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари орасида инсоният жуда катта бошвоқсизликка ва зоеликка юз тутди. Сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари бошланди. Ўзидан олдин ўтган барча пайғамбарларнинг таълимотларини ўзида жамловчи, уларнинг тугалловчиси бўлган бу пайғамбарлик ўзидан олдин ўтган барча рисолат ва шариатларни насх – бекор қилди. Шу билан бирга, бу пайғамбарлик башариятнинг барчаси учун умумий эди.

Аллоҳ таоло Сабаъ сурасида марҳамат қилади:

«Сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар» (28-оят).

Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассаломнинг пайғамбарликлари барча замонлар ва маконлар учун баробар эди. Шу боис бу пайғамбарликнинг соҳиби ҳам олий даражада бўлмоғи, ана шу буюк рисолатни, омонатни кўтаришга қодир бўлиши керак бўларди. Шунинг учун Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотга хос ажралиб турадиган сифатларни ихтиёр қилди.

Аллоҳ таоло яратган бандалари ичида энг афзали, пайғамбарларнинг охиргиси ва мукаммали бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари барча инсоният учун ўрناق эканига, шунингдек, Аллоҳ таолонинг инояти ила йўғрилган ушбу муборак ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси ўта аниқлик ва диққат билан ўрганилганига ҳам заррача шубҳа йўқ.

Ҳа, бу улуғ ҳаёт қанчалик диққат билан ўрганилса, шунчалик яхши.

Чунки бу ҳаёт Одам Атонинг пуштидалигидан то охирги лаҳзасигача Аллоҳ таолонинг алоҳида иноятига сазовор бўлган бир ҳаётдир!

Чунки у энг афзал банданинг, энг сўнги ва энг маҳбуб Пайғамбарнинг муборак ҳаётидир.

Чунки бу ҳаётнинг салкам йигирма уч йили осмон билан ернинг, яъни Роббул оламин билан оламларнинг бевосита боғланишига сабаб бўлган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт унинг соҳиби илоҳий дастур асосида тўлақонли ва ер юзида жонли Қуръон бўлиб яшаган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт барча учун гўзал ўрناق манбаи, мўмин-мусулмонлар учун илҳом чашмаси бўлган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт уни диққат билан ўрганиб, ундан ўрناق олиб, эргашиб яшаган кишилар учун жаннат йўлига етакловчи ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт осмонлар малакутига кўтарилган, ҳар лаҳзаси Аллоҳ таолонинг ваҳийси ила йўлга солинган ва фаришталар ҳам ҳавас қилган ҳаётдир.

Шу билан бирга, бу ҳаёт ер воқелигидан ажраб қолмаган, оддий инсонлик табиатидан мутлақо четламаган, оддий ота-онадан туғилиб ўсган камтар

бир банданинг ҳаётидир.

Қолаверса, бу ҳаёт дунёдаги барча эзгу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, барча разолатлардан йироқ зотнинг ҳаёти экани билан диққатга моликдир.

Чунки бу ҳаёт Аллоҳ таолонинг Ўзи томонидан етарли даражада мақталган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт ошиқлари ишқида ёниб, уни диққат билан ўрганган ва ундан имкони борича ўрнатилган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт унинг душманлари камчилик топа олмай доғда қолган, унга тухмат қилиб шарманда бўлган ва охири унинг буюклигига тан берган ҳаётдир.

Ана шундай васфига сўз ожиз ҳаётни ўрганишда, унга эргашишда бу муборак ҳаётнинг ҳамасрлари бўлмиш саҳобаи киромлар дунё халқларига намуна бўлганлар. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг ҳар бир лаҳзасини ўта синчковлик ва диққат билан ўрганиб борганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз, у зот томонларидан содир этилган ҳар бир ҳаракату сакинат (ҳаракатсизлик) саҳобаи киромларнинг диққат-эътиборида бўлган.

Саҳобаи киромлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг ҳар бир лаҳзаси ҳақидаги ўзлари билган ишончли маълумотларни тобеъинларга омонат ила ўргатганлар. Ўз навбатида, тобеъинлар бу маълумотларни ўзларидан кейинги мусулмонлар авлоди - табаъа тобеъинларга қолдирганлар.

Аста-секин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ўрганадиган илм ва бу илмнинг кўзга кўринган уламолари юзага чиқа бошлаган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ўрганишга бағишланган илмга «Ас-сийратун-набавийя», бу илмда мутахассис бўлган олимларга эса «Сийрат уламолари» номи берилган.

«Сийрат» сўзини араб тилидан таржима қиладиган бўлсак, «бир инсон ҳаётининг тарихи, ҳаёт йўли», таъбир жоиз бўлса, «таржимаи ҳол» иборасига тўғри келади. Бинобарин, истилоҳда «Сийрат - Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг тарихи, у зотнинг таржимаи ҳоллари», дея оламиз.

Бу борада сўз юритар эканмиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари (тарихи, баёни) бу дунёда ўтган барча пайғамбар алайҳиссаломларнинг сийратларига нисбатан энг тўғриси, энг мукаммали ва энг ишончлисидир. Инсоният тарихидаги ҳеч бир пайғамбарнинг ҳаёти илоҳий китобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларичалик ёритилмаган. Ҳеч бир пайғамбар ҳақида у зотнинг ҳаётлари ҳақида саҳобалар қилган ривоятларчалик узлуксиз ривоятлар келмаган. Бошқа пайғамбарларнинг сийратларида аниқланмаган, узилиб қолган ҳалқалар жуда кўп.

«Ислом тарихи» биринчи китоб